

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ ШОДИЛЖОН АБДУҒОФУРОВИЧ**

**КОМПОЗИТ АРМАТУРАЛАНГАН ЭГИЛУВЧИ ТЎСИНЛАРНИНГ  
МУСТАҲКАМЛИК, БИКРЛИК ВА ЁРИҚБАРДОШЛИГИНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.09.01 - Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Умаров Шодилжон Абдуғофурович**

Композит арматураланган эгилувчи тўсинларнинг мустаҳкамлик,  
бикрлик ва ёрикбардошлигини тадқиқ қилиш.....5

**Умаров Шодилжон Абдуғофурович**

Исследование прочности, жесткости и трещиностойкости изгибаемых  
балок, армированных композитной арматурой.....23

**Umarov Shodiljon Abdugofurovich**

Study of bending beams reinforced with composite reinforcement  
in terms of strength, stiffness and crack resistance .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....45

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**УМАРОВ ШОДИЛЖОН АБДУҒОФУРОВИЧ**

**КОМПОЗИТ АРМАТУРАЛАНГАН ЭГИЛУВЧИ ТЎСИНЛАРНИНГ  
МУСТАҲКАМЛИК, БИКРЛИК ВА ЁРИҚБАРДОШЛИГИНИ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.09.01 - Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T1369 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.taqi.uz](http://www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Акрамов Хусниддин Ахрарович  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Аскарлов Бахтиёр Аскарлович  
техника фанлари доктори, профессор

Усмонов Валиахмад Файзуллаевич  
техника фанлари номзоди, доцент

**Ётақчи ташкилот:**

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» июль соат 12<sup>00</sup> да архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [devon@taqi.uz](mailto:devon@taqi.uz), [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 59 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: [taqi\\_atm@edu.uz](mailto:taqi_atm@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «06» июл куни тарқатилди.  
(2021 йил «21» июндаги 3 - рақамли реєстр баённомаси).



А.И. Адилоджаев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси муовини, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камиллов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Б.А. Аскарлов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошмадаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий қурилиш амалиётининг жадал ривожланиши билан бино ва иншоотларнинг темирбетон конструкцияларида композит материаллардан фойдаланиш салмоғи тобора ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан, қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш саноатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган, эгилувчи темирбетон конструкцияларда пўлат арматураларига муқобил бўлган маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб, композит арматураларни ишлаб чиқиш, қўллаш, мустаҳкамлигини ошириш, ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш, таннархини арзонлаштириш ҳамда уларнинг кенг қўламда қўлланилишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳозирги кунда, композит материаллардан тайёрланган арматуралардан фойдаланган ҳолда, эгилувчи конструкцияларни ишлаб чиқариш билан, бино ва иншоотларнинг устуворлигини, мустаҳкамлигини ва умурбоқийлигини таъминлашга йўналтирилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш амалиётида композит полимер арматуралардан фойдаланиб, арматураларнинг бетон билан тишлашиши, оловбардошлиги ва эластиклик модулини ошириш йўналишиларида тадқиқотлар олиб бориш ва эгилувчи конструкцияларни мустаҳкамлигини, бикрлигини, ёриқбардошлик хоссаларини яхшилаш масалалари долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамызда қурилиш соҳасини ривожлантириш ва қурилишда инновацион композит материалларни қўллаб, конструкцияларни енгиллаштириш, металл руда захираларини тежаш, бино ва иншоотларни ишончлилигини таъминлаш, уларни янги конструктив ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан «... қурилиш, йўл-транспорт, муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий инфраконструкцияларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурлар амалга ошириш, ....»<sup>1</sup> вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан композит арматуралар асосидаги яхлит ва йиғма бетон конструкцияларни кучланганлик – деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш, арматураланган эгилувчи бетон элементларни мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикрлиги бўйича ҳисоблаш ва уларни конструкциялашга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2016- йил 28- сентябрдаги ПҚ-2615-сон “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7- февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 23-майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян ва керакли даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Композит арматураланган эгилувчи тўсинларнинг мустаҳкамлик, бикрлик ва ёриқбардошлигини тадқиқ қилиш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилари жумладан: А.А. Гвоздев, К.В. Михайлов, Н.А. Мощанский, О.Я. Берг, Н.П. Фролов, Ю.М.Вильдавский, Л.Г.Асланова, G. Kretsis, S.H.Alsayed, V. Gribniak, H.Y. Leung, M.A. Adam, M. Said, A.A. Mahmoud, A.S. Shanour, C. Mias, L. Torres, M. Guadagnini, A. Turon, D. Shantha Kumar, R. Rajkumar, C.E. Bakis, A. Nanni, J.A.Terosky, S.W. Koehler, Y.J. You, Y.H. Park, H.Y. Kim, J.S. Park, C.E. Bakis, A. Nanni, J.A.Terosky, S. W. Koehler, K.T. Park, D.W. Seo, J.H. Hwang, G. Wu, Z.S. Wu, Y.B. Luo, Z.Y. Sun, X.Q. Hu, A. Nanni, M.J. Henneke, T. Okamoto, M.M.S. Cheung, T.K.C. Tsang, Z.Wang, Y.Goto, O.Joh, ва бошқалар шуғуланиб, ушбу тадқиқотлар йўналишида салмоқли илмий ишларни бажарганлар ва масалаларни илмий ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлганлар.

Юртимиз олимлари А.И. Адилходжаев, Х.А. Акрамов, Б.А. Асқаров, А.А. Ашрабов, С.Р. Раззақов, С.С. Шаумаров, А.А. Ходжаев, В.Ф. Усмонов, С.А. Холмирзаев, С. Раззақов, П.Т. Мирзаев ва бошқалар композит арматураланган эгилувчи тўсинларнинг мустаҳкамлик, бикрлик ва ёриқбардошлигини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб бориб, турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим илмий ва амалий натижаларга эришган. Ушбу олимларнинг илмий изланишлари натижаларидан фойдаланилган ҳолда, композит полимер арматураларни бетон конструкцияларда қўлланилаши бўйича Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги томонидан ШНҚ 2.03.14-18 «Композит полимер арматурали бетон конструкциялар» номли меъёрий ҳужжат ишлаб чиқишда ва қурилишга жорий этишда ўз ўрнини топган.

Бажарилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш тажрибаси шуни кўрсатдики, композит полимер арматурани бетон конструкцияларда қўллаш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилгани амалда ўз исботини топган. Аммо амалдаги ҳолат, ушбу бетон конструкциялар ичида эгилувчи элементларда қўлланилиши бўйича, олиб борилган ишлар етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгрок илмий изланишларни талаб этаётганини кўрсатди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий кенгаш томонидан тасдиқланган “Маҳаллий хомашё ва саноат

чиқиндилари асосида қурилиш материаллари, тўлдирувчилар ва улар асосида қурилиш конструкциялари ва девор панелларини лойиҳалаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Композит арматуралар билан арматураланган эгиловчи тўсинларнинг мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикрлигини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эгиловчи бетон тўсинларнинг умумий кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини статик юклар таъсирида аниқлаш;

композит арматуралар билан арматураланган эгиловчи тўсинларни мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикрлигини ҳисоблаш ва уларни лойиҳалаш учун тавсиялар тайёрлаш;

тўсинларни мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикрлигини қия кесим ҳудудида кўндаланг арматураланишга боғлиқлигини ишлаб чиқиш;

шишапластик композит арматураларнинг бетон билан тишлашиши ва биргаликда ишлашини аниқлаш;

эгиловчи тўсинларда композит арматураларни ҳисоблаш учун автоматлаштирилган дастурни ишлаб чиқиш;

композит арматурали тўсинларни тик (нормал) ва қия кесимлардаги ёриқларнинг вужудга келиши ва ўзгариш соҳаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шишапластик композит арматуралар билан арматураланган эгиловчи бетон тўсинлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида шишапластик композит арматуралар билан арматураланган эгиловчи бетон тўсинларнинг мустаҳкамлиги, ёриқбардошлиги ва бикрлик ҳолатларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида шишапластик композит арматурали бетон тўсинларни, қисқа муддатли юклар таъсирига синаш, тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилиш, чегаравий ҳолатлар усуллари бўйича ҳисоблаш, лойиҳалашнинг конструктив ечим усуллари, тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш ҳамда таққослаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шиша толали композит арматураларнинг механик хоссаларини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш орқали эгиловчи бетон тўсин конструкцияларида қўллаш имкониятлари асослаб берилган;

шиша толали композит арматураларни эгиловчи бетон тўсинларда фойдаланилган ҳолда кўндаланг арматуралар ўрнига пўлат хомутларни қўллаш орқали тўсиннинг мустаҳкамлиги ва ёриқбардошлигини ошириш имкониятлари асослаб берилган;

шиша толали композит арматуралар билан арматураланган эгиловчи бетон тўсинларда тик ва қия кесимларнинг арматуралаш миқдорларини вариациялаш орқали бетон ва арматурада пайдо бўладиган ички зўриқиш кучларининг ўзгариш қонунияти аниқланган;

эгиловчи бетон тўсин конструкцияларда шиша толали композит арматураларни қўллаган ҳолда қия кесим бўйича ҳисоблаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тўсинларни мустаҳкамлик, ёриқбардошлик ва бикрлигини таъминлаш учун арматуралаш схемаларининг амалий усуллари тавсия этилган. Ташқи юк

миқдори, соф эгилиш оралиғи ва арматуранинг бетон билан тишлашишдаги зўриқишини ҳисобга олган ҳолда арматуралаш усуллари ишлаб чиқилган;

Шишапластик композит арматурали эгилувчи бетон тўсинларни мустаҳкамлик, ёриқбардошлик ва бикрлигини ҳисоблашнинг ишлаб чиқилган амалий усуллари автоматлаштириш имконини берувчи ҳисоблаш дастурлари яратилган;

Эгилувчи бетон тўсинларни юк қўйиш оралиғи ўзгариши билан тик ва қия кесимларда ёриқлар ҳосил бўлиши, ёриқларнинг миқдори, кенглиги, баландлиги ва улар орасидаги масофаларни арматуралаш вариациясига боғлиқ ҳолда ўзгаришини эътиборга олиш омиллари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ҳисобларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба натижалари меъёрий ҳужжатларда келтирилган натижалар билан таққосланганлиги, ҳисоблаш компьютер дастури ҳамда тажриба ва назарий тадқиқот натижаларини ўзаро муносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти композит арматурали бетон тўсинларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш, композит арматуралар билан арматураланган бетон тўсинларни ҳисоблаш назариясини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти, тўсин композит арматуралардаги зўриқишларни реал баҳолаш, композит арматурали эгилувчан бетон тўсинларни белгиланган нуқталаридаги кучланиш ва деформацияларини аниқлаш имконини берувчи меъёрий кўрсатма ва ҳисоблаш усулини лойиҳалаш амалиётида қўллаш натижасида, тўсинларни мустаҳкамлиги, ёриқбардошлилиги ва бикрлигини таъминлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Композит арматураланган эгилувчи тўсинларнинг мустаҳкамлиги, бикрлик ва ёриқбардошлигини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

Шишапластик композит арматуралар “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК Андижон ва Фарғона вилоят филиаллари ҳамда Фарғона вилояти “Қурилиш бош бошқармаси” томонидан 2020 йилда қурилган 45 та 5 қаватли, Фарғона шаҳри марказида қурилган 4 қаватли 24 хонадонли турар-жой биноларининг қурилишида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 09-06/3562-сон маълумотномаси). Шу билан бир қаторда, шишапластик композит арматуралар юқоридаги турар-жой биноларининг қаватлар сатҳидаги антисейсмик камарларда, эшик ва дераза сарровларида қўлланилган. Шишапластик арматураларни қўллаш натижада сейсмик камарлар, қамровчи белбоғлар, ўзаклар, тасмасимон пойдеворлар мустаҳкамлиги арматура материалининг мустаҳкамлиги ҳисобига 1,2 мартага, бикрлик ва ёриқбардошлиги 1,1 мартага, шу билан бир қаторда 01.12.2020 йил ҳолатига кўра 1,05 мартага ҳамда 01.04.2021 йил ҳолатига нисбатан 1,4 мартага иқтисодий самарадорликка эришилган.

Композит арматуралар билан арматураланган эгилувчи тўсинларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш дастурлари Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 19.11.2020 йилда №DGU 09712 рақамли “Комбинацияланган арматурали эгилувчи бетон конструкцияларни



мустаҳкамликка ҳисоблаш дастури” ҳамда 07.07.2020 йилда №DGU 08728 рақамли “Композит арматураларни тўсинлар учун ҳисоблашда автоматлаштириш” дастурлари расмий рўйхатдан ўтказилган. Ишлаб чиқилган дастурлар компьютерларда фойдаланиш натижалари ишлаб-чиқаришга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 09-06/3562-сон маълумотномаси ҳамда “Бинокор лойиҳа” МЧЖнинг 2020 йил 25 сентябрдаги 09/73-01 сон далолатномаси). Натижада лойиҳалаш ва ҳисоблаш жараёнларига сарфланадиган вақтнинг 15% гача тежалишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан №DGU 08728, №DGU 09712, №DGU 07456 рақамли 3 та электрон ҳисоблаш машиналари учун гувоҳномалар олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нашри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Композит арматурали эгилувчи бетон элементларнинг мустаҳкамлиги, бикрлиги ва ёрикбардошлигини тадқиқ этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг қисқача шарҳи”** деб номланган биринчи бобда, илмий техник адабиётларда тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишларнинг аналитик шарҳи изоҳланган. Шунингдек, композицион материаллар тўғрисида умумий маълумотлар ўз аксини топган. Композит полимер арматуралар устида сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, Япония, Хитой, Англия, Германия, Франция, Италия, АҚШ, Канада, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда композит полимер арматурага қизиқиш тобора ортиб бормоқда, қурилишда унинг қўлланилиш соҳалари ҳажми кенгайиб, қўлланиш миқдори ортиб бормоқда. Композит полимер арматуранинг янги, самарадор турлари яратилмоқда ва уларни бино ва иншоотларнинг конструкцияларида ишлашини тадқиқ қилиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб ривожланган

давлатларда композит полимер арматурани қўллаш бўйича миллий ва халқаро меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган ва улар асосида конструкциялар лойиҳаланиб, қурилиш амалиётига жорий этиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб, композит полимер арматуралар билан жиҳозланган кўприкларда, гидротехник иншоотларда, биноларнинг ер ости қисмларини тиклашда, йўл қопламалари ва элементларини барпо этишда, кўплаб ер остида жойлашган тоннеллар, коллекторлар каби иншоотларда ва бошқаларда қўлланилаётганлигини келтириш мумкин.

Композит полимер арматуранинг зичлиги, материал компонентлари (арматураловчи толалар ва матрица) нинг зичлигига боғлиқ ҳолда толаларнинг 0,5-0,75 ҳажмий ҳиссасидан аниқланади. Зичлик углепластик арматура учун 430-1670 кг/м<sup>3</sup>, органик пластик арматура учун 1300-1450 кг/м<sup>3</sup>, шиша толали арматура учун 1730-2180 кг/м<sup>3</sup> ни ташкил этади, бу пўлат арматуранинг зичлигидан 3,6-6 баробар кичикдир.

Ҳарорат кенгайиш коэффициентининг қиймати бетонникига яқин бўлган пўлат арматураникидан фарқли равишда, композит полимер арматураларнинг ҳарорат кенгайиш коэффициентининг қийматлари бетонникидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Композит полимер арматурани конструкцияларга қўллаш имконияти полимерли матрицани шишалаштириш ҳарорати билан чегараланади (бу ҳарорат билан полимерли матрица ўзининг физик-механик хоссаларини қайтмайдиган тарзда ўзгартиради). Композит полимер арматура учун шишалаштириш ҳарорат матрицаси типига боғлиқ бўлади ва 70÷175 0С диапазон оралиғида жойлашади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шишалаштириш ҳароратига эришилгандан кейин, композит полимер арматуранинг мустаҳкамлик ва деформацияланганлик хоссалари кескин пасаяди, бундан ташқари, унинг бетон билан тишлашиши (сцепление) бузилади. Юқори ҳароратлар нафақат композит полимер арматура тузилишининг бузилишига олиб келади, балки қиздирилганда стерженнинг сезиларли даражада кўндаланг кенгайиши туфайли ҳимоя қатламининг парчаланиб синиши ҳам юз беради. Композит полимер арматурали конструкцияларни ёнғиндан ҳимоя қилиш муаммоси жуда долзарб ва мазкур муаммо унинг қўлланишига маълум бир чекловларни қўяди.

Паст ҳароратлар ҳам арматуранинг бетон билан тишлашининг бузилишига олиб келиши ва композит материалларда ички микрошикастланишлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Композит полимер арматурали конструкцияларни ҳисоблаш бўйича мавжуд бўлган меъёрлар ва тавсиялар аксарият ҳолларда пўлат арматурали конструкцияларни ҳисоблаш бўйича меъёрлашнинг модификацияси деб ҳисобланади. Киритилган ўзгартиришлар арматуранинг физик-механик хоссаларини меъёрлаш ва экспериментал маълумотларга асосланган бир қатор эмперик нисбатлар билан боғлиқдир.

Композит полимер арматурали бетон конструкцияларни ҳисоблашда чегаравий ҳолатлар усули қабул қилинди.

Меъёрий хужжатлар ва тавсияларда эгиладиган элементларни

ҳисоблашларда қуйидаги асосий гипотезалар мавжуд:

- ясси кесимлар гипотезаси кесим ишлашининг барча босқичларида бажарилади;
- композит полимер арматура ва бетоннинг биргаликда ишлашининг мавжудлиги;
- бетоннинг чўзилишга ишлаши ҳисобга олинмайди;
- композит полимер арматуранинг сиқилишга ишлаши ҳисобга олинмайди;
- композит полимер арматура бузилгунга қадар чизиқли эластик диаграмма бўйича ишлайди.

Пўлат арматурали конструкцияларни ҳисоблаш учун қандай тамойиллар қабул қилинган бўлса, мазкур меъёрларда ҳам кўндаланг кучни ҳисоблаш учун шундай тамойиллар сақланиб қолинган.

Умуман олганда, композит арматуранинг коррозиябардошлигини, етарлича мустаҳкамликка эга эканлигини, меъёрий юкларда ундан тайёрланган эгиловчи элементлар дарзбардошлик ва бикрлик бўйича талабларга жавоб бера олишини ва яна бир маҳим жиҳати-нисбатан арзонлиги ва маҳаллий хом-ашёдан тайёрланиши эътиборга олган ҳолда пўлат арматурага муносиб муқобил бўла олиши қайд этилган.

Диссертациянинг **“Композит арматурали эгиловчи бетон элементларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини экспериментал тадқиқ этиш”** деб номланган иккинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг вазифалари, синов қурилмалари, воситалари ва ўлчов асбоблари, синов моделларини тайёрлаш натижалари келтирилган.


Мавжуд илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси шароитида композит арматуралар билан жиҳозланган эгиловчи бетон конструкцияларнинг куч таъсирлари остида ишлаши ҳали етарлича ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган шишапластик арматуралар ва қурилиш амалиётида энг кўп ҳажмда ва барча турлардаги қурилиш объектларида қўлланилувчи оддий оғир бетонлар устида тадқиқотлар ўтказилиши энг мақбул вариант ҳисобланади.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак шаклида бўлган синов моделлари-намуна тўсинлар тайёрланди. Тўсинлар учун оддий оғир бетон ишлатилди. Боғловчи сифатида бетон учун фаоллиги 42,5 МПа бўлган Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги “Турон” цемент заводининг портландцементи қўлланилди. Тўлдирувчилар сифатида фракцияси 5-15мм ли гранит чақиқтоши (щебень) ва йириклик модули М2,25 бўлган Фарғона вилояти Қува тумани Акбарабод карьеридан олинган кварцли дарё куми ишлатилди. Бетоннинг таркибини, унинг кубик мустаҳкамлиги В20-В25 синфига мос келадиган сиқилишдаги мустаҳкамликка эга бўладиган қилиб танланди.

Кесим ўлчамлари  $b \times h = 16 \times 30$  см, узунлиги  $l = 240$  см, таянчлар оралиғи  $l_0 = 210$  см бўлган намуна тўсинлари махсус тайёрланган синов стендида синалди. Тўсинлар ёғоч қолипларда тайёрланди. Қолипларнинг ички сирти

металл листлар билан қопланди. Ишчи арматура сифатида чўзилувчи соҳага 2Ø12 ёки 2Ø16ШКА, сиқилувчи соҳага 2Ø10ШКА, хомутлар сифатида Ø 4 ёки Ø8ШКАлар, 15 (10)см қадам билан қўйилди (1-расм).




**1-расм. Намуна тўсинларнинг арматураланиш ва юкланиш схемалари**

Хомутлар учун мўлжалланган композит арматуралар юмшоқ пўлат симлар билан, бўйлама арматураларга боғлаб бириктирилди. Арматура синчлари қолипларга лойиҳа ўрнида ўрнатилиб, фиксация қилинди. Тўсин намуналари В20-В25 синфли оғир бетондан тайёрланди. Намуна тўсинлар билан биргаликда ўлчами 10х10х10см бўлган кублар ва суғурилишга синаш учун намуналар ҳам бир вақтнинг ўзида худди шу бетондан тайёрланди.

Тўсинлар стенднинг намуналарни синаш учун мўлжалланган 2 та шарнирли таянчларига ўрнатилди. Шарнирларнинг бири қўзғалмас, иккинчиси қўзғалувчан қилиб тайёрланган. Кучлар орасидаги массофа 700 ва 1300 мм, таянчлардан юкгача бўлган масофалар эса 700 ва 400 мм ни ташкил этди. Таянчдан тўсинларнинг четигача бўлган масофалар 150 мм ни ташкил этди. Юк кўтариш қобилияти 40 тонналик гидравлик домкрат воситасида босқичма-босқич бериб борилди. Бунинг учун тақсимловчи траверсалар қўлланилди (2-расм).

Синовлар бошланишидан олдин намуна тўсинда ўрнатилган барча ўлчов асбоблари бўйича бошланғич кўрсаткичлар ёзиб олинди. Бу кўрсаткичлар “Шартли нол” сифатида қабул қилинди. Юклар аста секин бир неча босқичда берилди. Босқичда ҳар бир юк ҳисобий бузувчи юкнинг тахминан 10%ини ташкил этди. Ҳар бир босқичда юк бериб бўлингандан сўнг, 20 минутгача унинг стабиллашиши кутиб турилди. Ҳар бир босқич юки берилгандан сўнг ва босқич сўнггида ўлчов асбоблари бўйича кўрсаткичлар ёзиб олинди.



**2-расм. Синов стендининг олд ва ён томондан умумий кўриниши.**

1-синов намунаси, 2-юкларни тақсимловчи траверса, 3-гидравлик домкрат, 4-устун, 5-таянч тўсини, 6-асос плитаси, 7-асос, 8- манометр, 9-хавфсизлик триси

Диссертациянинг “Композит арматурали эгиловчи бетон элементларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати” деб номланган учинчи бобида эгилишга ишловчи тўсинларнинг мустаҳкамлик, бикрлик ва ёриқбардошлигини текшириш учун ўтказилган экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кучлар остида композит арматуралар билан жиҳозланган эгиловчи бетон тўсинларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати тавсифи, ёриқларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши, арматура ва бетондаги деформациялар, тўсинлардаги салқиликларнинг ортиб бориши, пўлат арматурали эгиловчи элементлар билан сифат жиҳатидан бир хил бўлиши аниқланди.

Экспериментал тадқиқотларда намуна тўсинларда ёриқлар ҳосил бўлиши бетон ва арматурадаги деформациялар қийматиغا қараб аниқланди. Шунинг билан биргаликда, тўсиннинг ён сирти, юк бериш вақтида синчиклаб кузатиб борилди. Бундай комбинациялашган кузатув ва босқич юкининг нисбатан кичик қийматга эгаллиги ( $\sim 0,05F_{ult}$ ) тажрибаларда ёриқлар ҳосил бўлиш пайтидаги юкнинг миқдорини аниқлаш имконини берди.

Барча синалган намуна тўсинларда дастлаб соф эгилиш соҳасида тик ёриқлар ҳосил бўлди, кейинчалик юк миқдори ортгани сари таянч билан юк оралиғи (қирқилиш оралиғи) да тўсин бўйлама ўқига нисбатан қия ёриқлар ҳам ҳосил бўлди.

Намуна тўсинларда ёриқлар ҳосил бўлиши вақтидаги эгувчи моментлар  $M_{crc}$  нинг миқдори юк билан таянч оралиғидаги масофа “ $a$ ” (қирқилиш оралиғи)нинг қийматиغا боғлиқлиги кузатилди.

I серия намуна тўсинларида  $a=70$  см ( $a/h_0=2,59$ ) тик ёриқлар 9,0-9,3кНм га тенг эгувчи моментларда ҳосил бўлди. Бунда, ёриқ ҳосил қилувчи моментнинг бузувчи моментга нисбати  $\frac{M_{crc}^T}{M_{ult}^T} = 0,205$  ни ташкил этди.

II серия намуналарда  $M_{crc}^T = 8,2 - 8,5$  кНм,  $\frac{M_{crc}^T}{M_{ult}^T} = 0,214$  га тенг бўлди.


III сериядаги намуна тўсинларнинг бетони бошқа намуна тўсинларига нисбатан паст мустаҳкамликка эга бўлгани учун тик ёриқлар эртароқ ҳосил бўлди, яъни ёриқ ҳосил бўлишидаги моментлар миқдори 8-11% га кам бўлди. Бунда  $\frac{M_{crc}^T}{M_{ult}^T}$  нисбат пасайиб, ўртача 0,163 миқдорни ташкил этди.

I сериядаги БКПА I-3A намуна ва IV сериядаги намуна тўсинлари  $a=40$ см ( $a/h_0=1,48$ ) қийматларда синалди. Бунда БКПА I-3A тўсин учун  $M_{crc}^T$  нинг қиймати 6,8кН·м ни,  $\frac{M_{crc}^T}{M_{ult}^T}$  нисбати эса 0,24 ни ташкил этди.

IV сериядаги тўсинларда дастлабки тик ёриқлар 11,7 ва 12,3 кН·м қийматларида ҳосил бўлди. Буларга мос келувчи  $\frac{M_{crc}^T}{M_{ult}^T}$  қиймати эса ўртача 0,31 га тенг бўлди.

Ёриқ ҳосил қилувчи моментларнинг тажрибавий қийматининг ҳисобий қийматига нисбати I, II ва IV серия намуна тўсинлари учун 1 дан кичик бўлди ва 0,61 дан 0,84 гачани миқдорни ташкил этди, уларнинг ўртача қиймати 0,71га тенг бўлди. Бу шуни англатадики, тажрибаларда тик ёриқлар ҳисобий миқдорлардан (назарийлардан) қарийиб 30% га паст юкларда ҳосил бўлар экан. IV сериядаги намуна тўсинларда тажрибавий ва ҳисобий ёриқ ҳосил қилувчи моментлар нисбати 1,04 ва 1,07 миқдорларни ташкил этди.

Тўсинларга юк бериш бошланганда, юклашнинг маълум босқичларида (II ва ундан кейинги) соф эгилиш соҳасида тўсинларда дастлаб 1 та ёки 2 та тик ёриқлар пайдо бўлди, сўнгра юк ортиб боргани сари яна янги тик ёриқлар ҳосил бўлди. Дастлаб ҳосил бўлган ёриқларнинг очилиш кенглиги 0,05-0,08 мм миқдорни ташкил этди, юклар ортиб боргани сари тик ёриқлар ривожланиб борди, уларнинг учи кесим баландлиги бўйича кўтарилиб бориши кузатилди ва шу вақтнинг ўзида ёриқларнинг очилиш кенглиги ҳам ортиб борди.



**3-расм. Намуна тўсинлардаги тик ва қия ёриқларнинг ривожланиши.**

1,2,3,4- ёриқларнинг тартиб рақамлари. — — — — — ҳисобий (назарий); — — — — — тажрибавий

Бузувчи юкнинг тақрибан ярмига тенг юкларда тик ёриқларнинг очилиш кенглиги  $a_{crc}=0,2-0,35$ мм миқдорни ташкил этди, юкларнинг кейинги ортиши тик ёриқларнинг интенсив ривожланиши ва очилиш кенглигининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди. Босқич юкининг бузувчи юкка нисбати 0,6-0,85 га етганда, тик ёриқларнинг очилиш кенглиги 0,4-0,7мм миқдорни ташкил этди. Бундан кейинги юкларнинг ортиши тик ёриқларнинг шиддатли очилишига олиб келди.

Элемент бўйлама ўқига нисбатан тик йўналган ёриқларнинг очилиш кенглигини ШНҚ 2.03.14.18 «Композит полимер арматурали бетон конструкциялар»да келтирилган усул бўйича ҳисоблаш натижалари тажрибаларда олинган ўзгариш қонунияти ва миқдорлари билан қониқарли даражада мос тушиши аниқланди (3-расм).

Назарий ҳисобларга асосан  $M_{crc}^x$  нинг қийматлари 11,51 кН·м дан 12,52 кН·м гача бўлган миқдорларни ташкил этади.  $M_{crc}^x$  нинг ўртача қиймати 6,07 кН·м га тенг бўлди.  $M_{crc}^x$  ўртача қиймати билан энг кичик ва энг катта қийматлари орасидаги фарқ мос равишда 0,63 кН·м (5,2%) ва 0,38 кН·м (3,0%) ни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳисобларда  $M_{crc}^x$  учун деярли ўзгармас қийматлар олинди.

Тик ёриқ ҳосил бўлишидаги эгувчи моментлар  $M_{crc}^T$  нинг қийматларида эса, катта фарқлар юзага келди. Тажрибаларда  $M_{crc}^T$  нинг қийматлари 7,7-9,1 кН·м (III-сериядаги намуна тўсинларида)дан 14,24-16,88 кН·м (IV-сериядаги намуна тўсинларида)гача бўлган миқдорларни ташкил этди.

$M_{crc}^T$  нинг қийматлари бетоннинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги  $R_{bt,ser}$  нинг қийматларига мос ҳолда ўзгариши кузатилди. Масалан, III сериядаги намуна тўсинларнинг бетони энг кам мустаҳкамликка эга бўлгани учун, уларда ёриқ ҳосил бўлишидаги моментлар, худди шундай шароитда синалган бошқа сериялардаги тўсинларникидан ўртача 1,76 баробарга кичик бўлди.

Тажрибавий  $M_{crc}^T$  нинг ҳисобий (назарий)  $M_{crc}^x$  га нисбати, III сериядаги намуналардан ташқари, Iдан катта бўлди ва ўртача 1,18 миқдорни ташкил этди. III сериядаги намуналар учун ушбу нисбат 0,723га тенг бўлди. III сериядагидан бошқа намуналарда тажрибавий ёриқ ҳосил қилувчи моментларнинг ўртача қиймати бузувчи моментларнинг 22,0% га тенг эканлиги аниқланди. III сериядаги намуналарда эса ёриқлар бузувчи юкнинг 11,0% га тенг юкларда ҳосил бўлди.

I серия намуна тўсинларида ( $a=70$ см) дастлабки қия ёриқлар  $Q_{crc}^x = 12,9 - 13,3$  кН юкларда ҳосил бўлди, бунда  $\frac{Q_{crc}^T}{Q_{ult}^T}$  нисбати 0,9 ни ташкил этди. II ва III серияларнинг тўсинларида ( $a=70$ см)  $Q_{crc}^T$  нинг қийматлари 10,4-12,2 кН оралиғида бўлди, бунда ёриқ ҳосил бўлишига мос келувчи кўндаланг кучнинг бузувчи юкка нисбати 0,35-0,38 миқдорга тенг бўлди.


Қирқилиш оралиғи “а” нинг қиймати 70 смдан 40смга камайиши, ёриқ ҳосил бўлишига мос келувчи кучнинг ортишига олиб келди. Бунда,  $Q_{crc}^T$  нинг қиймати ўртача 2,18 марта ортиши кузатилди.

Қирқилиш оралиғи  $a=40$  см бўлган ҳолларда, намуна тўсинларда асосан битта қия ёриқ ҳосил бўлиши кузатилди,  $a=70$  смда эса 2-3 та қия ёриқлар пайдо бўлди. Юкнинг ортиб бориши билан, қия ёриқларнинг шиддат билан очилиши рўй берди. Айниқса юк миқдори  $0,8Q_{ult}$  ва ундан ортган босқичларда қия ёриқлар шиддат билан ривожланди, уларнинг очилиш кенглиги 1,0мм ва ундан катта қийматларни ташкил этди. Шу тариқа қия ёриқлар критик ёриқларга айланди ва тўсинларнинг бузилиши рўй берди.



Юкларнинг  $(0,5-0,7)Q_{ult}$  миқдорларида тўсинларда қия ёриқларнинг очилиш кенглиги  $0,2-0,5$  мм оралиғида бўлди.

Қия ёриқларнинг очилиш кенглигини назарий ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, ҳисоблаш формулалари тажриба-лардан олинган



**4-расм. Намуна тўсинлари арматураларининг ўртача нисбий деформациялари:** 1-соф эгилиш соҳасида остки чўзилувчи арматуранинг; 2-соф эгилиш соҳасида устки чўзилувчи арматуранинг; 3-қирқилиш соҳасидаги остки чўзилувчи арматураларнинг; 4-қирқилиш соҳасидаги устки чўзилувчи арматураларнинг.

арматурани ёриқлар кесиб ўтувчи жойларида яққол намоён бўлди. Тик ёриқлар ҳосил бўлишидан олдин соф эгилиш соҳасида бўйлама арматуралардаги деформациялар, қирқилиш оралиғидагига қараганда 2-3 баробар катта бўлди (4-расм).

Масалан, I серия намуна тўсинларида соф эгилиш соҳасида тик ёриқлар ҳосил бўлишидан олдин бўйлама ишчи арматураларнинг деформациялари  $\epsilon_f = (44 \div 46) \cdot 10^{-5}$  миқдорни ташкил этган бўлса, худду шу арматураларда қирқилиш оралиғида деформациялар  $\epsilon_f = (15 \div 25) \cdot 10^{-5}$  миқдорга тенг бўлди. IV серия тўсинларида эса бўйлама ишчи арматураларнинг деформациялари соф эгилиш соҳасида  $(42 \div 44) \cdot 10^{-5}$  га, қирқилиш оралиғида эса  $(12 \div 25) \cdot 10^{-5}$  миқдорга тенг бўлди. Бу ҳолатга юкларнинг  $Q = (0,18 \div 0,21)Q_{ult}$  қийматлари мос келади.

Намуна тўсинларида кесим бўйлама ўқига нисбатан тик ёриқлар ҳосил бўлгандан сўнг, бўйлама ишчи арматуралардаги деформациялари соф эгилиш соҳасида  $(150 \div 220) \cdot 10^{-5}$  миқдорни, қирқилиш соҳаларида эса  $(50 \div 100) \cdot 10^{-5}$  миқдоргача ортди.

қийматларга қониқарли даражада мос келиши аниқланди.

Композит арматурали эгилювчи бетон элементларда кучлар таъсири остида намуна тўсинларнинг узунлиги бўйича бўйлама арматураларнинг деформациялари нотекис тақсимланган бўлади.

Бўйлама чўзилувчи арматураларда ёриқлар ҳосил бўлгунга қадар деформациялар юк ортиши билан пропорционал равишда ортиб боради. Бунда, соф эгилиш соҳасидаги деформациялар қийматлари кўндаланг кучлар таъсир этувчи қирқилиш оралиғидагидан кўра бирмунча ортиқроқ бўлди.

Тўсинларнинг чўзилувчи соҳаларида кесим бўйлама ўқига тик ёриқлар ҳосил бўлгандан сўнг, бўйлама арматуралардаги деформациялар тезроқ орта бошлади. Бу ҳолат айниқса



Қия ёриқларнинг ҳам ҳосил бўлиши, қирқилиш оралиғида ҳам бўйлама ишчи арматуралардаги деформацияларнинг  $(150\div 250)\cdot 10^{-5}$  микдоргача ошишига олиб келди.

Юкларнинг кейинги ортиши, тўсинларнинг узунлиги бўйича бўйлама ишчи арматуралар деформацияларининг бирмунча “Текисланишига” – тенглашишига олиб келди. Шу тариқа, юклар ортиб бориши билан, бўйлама ишчи арматуралардаги деформацияларнинг ҳам ортиб бориши кузатилди. Юклар микдори  $(0,8\div 0,9)Q_{ult}$  оралиғида бўлганида бўйлама ишчи арматураларнинг деформациялари  $(300\div 400)\cdot 10^{-5}$  микдорларгача етиши аниқланди.

Ўлчов натижаларига кўра, ёриқлар ҳосил бўлишидан аввал бўйлама чўзилувчи арматураларда  $(80\div 120)$ МПа кучланишлар вужудга келар экан. Чўзилувчи ишчи арматураларнинг соф эгилиш соҳасидаги ўртача нисбий деформациялари, юк микдори ортиб боргани сари, эгри чизикли қонуният бўйича тинимсиз ортиб боради, бунда айниқса юкнинг юқори қийматларида тезроқ ортиши кузатилди.

Юк микдори бузувчи кучларга яқин бўлганда, арматуралардаги деформациялар  $(1000\div 1200)\cdot 10^{-4}$  қийматларгача эришиши кузатилди. Графикдан бундай ҳолларда, арматуралардаги чўзувчи кучланишлар 520÷650 МПа ни ташкил этишини аниқлаш мумкин.

Тўсинларнинг қирқилиш оралиғидаги чўзилувчи бўйлама арматуралардаги деформациялари, соф эгилиш соҳаларидагига нисбатан 1,2-1,5 марта кам бўлди. Ушбу арматураларда фақат энг катта юклар берилганда, яъни тўсинда чегаравий ҳолат юзага келишидан аввал деформацияларнинг шиддатли ортиши ва тўсинларнинг соф эгилиш соҳаларида арматуранинг деформацияларига яқинлашиши кузатилди.

Сиқилувчи бўйлама арматураларда деформациялар, берилаётган юк  $(0,4\div 0,6)Q_{ult}$  қийматларга етгунга қадар деярли тўғри чизик бўйича оз микдорда ошиб борди. Бундан кейинги юкларнинг ортиши натижасида график эгри чизик бўйича ўзгара бошлади ва деформацияларнинг бирмунча ортиши кузатилди. Тўсин намуналари бузилишига яқин қолганда, сиқилувчи соҳадаги арматураларда  $\varepsilon'_f=(100\div 150)\cdot 10^{-4}$  қийматларгача етувчи сиқилиш деформациялари кузатилди. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, сиқилувчи бўйлама арматураларда чегаравий ҳолатларда  $\sigma'_f = 100$  МПа дан ортадиган кучланишлар ҳосил бўлар экан.

Бетоннинг бўйлама сиқилиш деформациялари берилаётган куч қиймати 20 кН гача бўлган вақтда унча катта қийматларга эга бўлмайди ва уларнинг ўзгариши деярли тўғри чизик бўйича ортиб боради.

Юкларнинг бундан кейинги босқичларда ортиб бориши, бетоннинг бўйлама сиқилиш деформацияларининг жадал ошиб боришига олиб келди. Намуна тўсинларда босқич юкининг қиймати бузувчи юкка яқинлашганда,  $Q=(0,85\div 0,95)Q_{ult}$  энг катта сиқилиш деформацияларининг қиймати микдори  $(140\div 160)\cdot 10^{-5}$  гача етиши кузатилди. Юкларнинг сўнгги босқичида, бетоннинг бўйлама сиқилиш деформациялари  $(150\div 175)\cdot 10^{-5}$  гача етиши аниқланди ва бетондаги кучланишлар унинг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасидаги микдорларга эришди. Бунда, босқич юки микдори бузувчи

юкнинг 35÷40% ига етганидан сўнг, сиқилувчи соҳадаги бетонда ноэластик деформацияларнинг тўпланиб бориши содир бўлди.


Композит арматурали эгиловчи бетон тўсинларнинг салқилиги элемент таянчлари орасидаги масофага, юкнинг миқдorigа, тўсиннинг арматураланишига ва бетоннинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади.

Юкларнинг кичик қийматларида,  $Q=0,2\div0,3Q_{ult}$ , намуна тўсинларнинг салқиликлари унча катта бўлмади ( $f \leq 0,4\text{мм}$ ) ва улар деярли чизикли равишда ортиб борди. Босқич юкининг ортиб бориши билан график эгри чизикли тавсифга эга бўла бошлайди ва  $Q \geq 0,4Q_{ult}$  қийматларда салқиликнинг жадал ортиши кузатилади (5-расм).

$Q > 0,6Q_{ult}$  қийматларда салқиликлар кескин ортди ва уларнинг миқдори 2,4-3,2мм гача етиши қайд этилди. Бу ҳолат композит арматуранинг юқори деформацияланувчанлиги билан изоҳланади.

Тўсинларда чегаравий ҳолатлар вужудга келишидан олдин улардаги салқиликлар  $f = 3,2\div4,0\text{мм}$  гача етиши кузатилди.

Намуна тўсинларининг тажрибаларда аниқланган ва назарий ҳисоблар бўйича топилган салқилиklarини таққослаганда, уларнинг қониқарли даражада мос тушиши аниқланди.



**5-расм. Намуна тўсинларда салқиликларнинг ривожланиши**

Намуна тўсинларининг эксплуатация юкларига ( $0,5-0,65M_{ult}$ ) мос келувчи салқиликлари қуйидаги қийматларни ташкил этди:

$$\text{I серия тўсинлар учун : } f_{\text{ўр}} = 2,8\text{мм}, \quad \frac{f_{\text{ўр}}}{l} = \frac{l}{750} < f_{ult} = \frac{l}{200}$$

$$\text{II серия тўсинлар учун : } f_{\text{ўр}} = 2,4\text{мм}, \quad \frac{f_{\text{ўр}}}{l} = \frac{l}{875} < f_{ult} = \frac{l}{200}$$

$$\text{III серия тўсинлар учун : } f_{\text{ўр}} = 3,0\text{мм}, \quad \frac{f_{\text{ўр}}}{l} = \frac{l}{700} < f_{ult} = \frac{l}{200}$$

$$\text{IV серия тўсинлар учун : } f_{\text{ўр}} = 3,2\text{мм}, \quad \frac{f_{\text{ўр}}}{l} = \frac{l}{656} < f_{ult} = \frac{l}{200}$$

Синов натижаларидан маълум бўлдики, тўсинларнинг салқиликлари меъёрларда йўл қўйиладиган чегаравий қийматлардан ошмас экан.

